

БАХШИ - ўзбек, қорақалпоқ ва туркманларда халқ дostonчилари шу ном билан юритилади. Бахшилар терма ва дostonларини асосан оғзаки шаклда ижод қиладилар. Ўз асарлари ва халқ дostonларини дотор, дўмбира, тор қаби асбоблар жўрлигида қуйлайдилар. Улар устоз-шогирдлик анъаналари асосида етишиб чиқадилар. Шунинг учун ҳам улар дostonчилик мактаблари атрофида бирлашадилар. Ўзбекистонда Кўргон, Булунгур, Нурота, Шеробод қаби дostonчилик мактаблари бўлган. Хоразм-да ҳам бир неча дostonчилик мактаблари бўлиб, уларда йиллар давомида ўнлаб шогирдлар етишиб чиққан. Бахшилар ўз асарларини икки хил усулда ижро этадилар: Кўргон, Булунгур, Шеробод дostonчилик мактабларига мансуб бахшилар ички овоз билан дўмбира ёки дотор жўрлигида қуйласалар, хоразмлик бахшилар тор ва бошқа мусика асбоблари жўрлигида ташки овозлари билан ижро этадилар. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Иўлдош ўғли, Мухаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкан, Ислom шоир Назар ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Берди бахши, Шерна бахши сингари кўпгина бахшилар номи юртимизда хурмат билан тилга олинади.